



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БМТ БОШ КОТИБИ ЁРДАМЧИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 март куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг сиёсий масалалар бўйича ёрдамчиси Мирослав Енчани қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг Ўзбекистон Республикасидаги таъсирчанлиги бўлганининг 25 йиллиги муносабати билан йўллаган табриги учун миннатдорлик билдирди ҳамда Ўзбекистон БМТ ва унинг ташкилотлари билан ҳамкорлик муносабатларини мустахкамлашда давом этишини таъкидлади.

Президентимиз БМТнинг глобал хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш, ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал этиш, терроризм, экстремизм, наркотрафик, уюшган жиноятчилик ҳамда буғунги куннинг бошқа хавф ва таҳдидларига қарши курашишда тутган муҳим ўрнини алоҳида қайд этди.

Мамлакатимиз билан БМТнинг самарали ҳамкорлиги йилларида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш, Афғонистонга қурол-яроғ олиб киришга эмбарго қўйиш, "6+2" мулоқот гуруҳини тузиш, шунингдек, минтақамизда тараққиётга эришиш, Орол денгизи қуришининг оқибатларини бартараф этиш масалаларини глобал даражага кўтариш ва бошқа кўплаб ташаббуслар нафақат БМТ доирасида, балки халқаро миқёсда қўллаб-қувватланди.

Сўхбат чоғида ҳамкорликнинг долзарб йўналишлари бўйича фикр алмашилди ва кўриб чиқилган барча масала бўйича томонларнинг позицияси ўхшаш экани таъкидланди. Истиқболда ўзаро муноса-

батларни кенгайтиришнинг устувор йўналишлари ҳам муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз ва бутун Марказий Осиёда амалга оширилаётган ривожланиш жараёнларида БМТни янада фаол иштирок этишга, шунингдек, хавфсизликни таъминлаш борасидаги минтақавий долзарб масалаларни ҳал қилишда ҳамкорликда ишлашга даъват этди.

Мирослав Енча самимий қабул учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевга чукр миннатдорлик билдириб, БМТ Ўзбекистон билан алоқаларни янада мустахкамлашга, ўзаро манфаатли барча йўналишда кенг қўламли ҳамкорликни ривожлантиришга тайёрлигини таъкидлади.

ЎЗА

Наврўзи олам яқин



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ШАҲРИМИЗ ОБОДЛИГИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШАЙЛИК!

Жаннатмакон ўлкамизга файз-таровати, зебу зийнати билан баҳор фасли кириб келди. Тез орада табиат яшиллик оламига бурканади. Яшариш ва янгиланиш фаслининг гултожи бўлган Наврўзи олам ҳам тобора яқинлашмоқда.

Азизлар, кўлам она табиатнинг бетакдор мўъжизаси эканлигидан келиб чиқиб, пойтахтимизни бундан-да жозибали ва фусункор қилиш мақсадида мева-яил ҳамда манзарали дарахт кўчатларини экиш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш баҳор мавсумининг асосий вазифаларидан бири эканлигини ёддан чиқармайлик. Обод масканларни кўриб дилинг шод бўлса, яшил ҳудудлар эстетик ва соғломлаштириш вазифаларини бажаради.

Маҳаллаларда, корхона, ташкилот,

муассасалар, ўқув масканларида халқимизга хос эзгу қадрият ҳисобланмиш хашарлар уюштириб, ҳамжихатликда ободонлаштириш, орасталаш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширсак азим шаҳримиз янада чирой очади, унинг ҳусни бундан-да файзли-тароватли бўлади.

Таъкидлаш жоизки, ота-боболаримиз азал-азалдан баҳор фаслининг зийнати ҳисобланмиш Наврўзи олам арафасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратиб келишган.

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчамиз ўзимиз истикомат қилаётган турар жойларимиз атрофи, маҳаллаларимиз, йўл ва йўлақлар, гузарлар, хиёбонлар, мулкчилик шаклидан қатъи назар дўконлар, корхона, ташкилот ва муассасалар, зиёратгоҳлар, каналлар, зовурлар, ариқлар, оқава сув йўллари ҳамда болалар майдончаларини ҳамкорликда янада кўркам ва обод этайлик, турфа дарахтлар кўчатларини ўтказиб, гулу чечакларга буркайлик. Бу ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

БМТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг сиёсий масалалар бўйича ёрдамчиси Мирослав Енча бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг биринчи ўринбосари С.Сафоев билан суҳбатда Ўзбекистон ва БМТ ўртасида ўзаро ишонч ва манфаатдорлик ҳамда очик мулоқотга асосланган муносабатлар қарор топгани қайд этилди.

Учрашувда Ўзбекистоннинг БМТ билан ўзаро алоқалари тобора кенгайиб

бораётгани, иқтисодиёт, илм-фан, соғлиқни сақлаш, экология, маданият ва таълим йўналишларидаги ҳамкорлик самаралари алоҳида қайд этилди.

БМТ делегацияси мамлакатимизнинг турли вазирлик ва идораларида ҳам учрашувлар ўтказди.

С.АЛИЖОНОВА,
ЎЗА мухбири

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ КОТИБИ АНТОНИУ ГУТЕРРИШ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам жаноб Гутерриш!

Сизни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби лавозимидаги масъулиятли фаолиятингизни муваффақиятли бошлаганингиз билан самимий муборакбод этиш ҳамда ушбу олижаноб ва жаҳон ҳамжамияти учун гоёат муҳим бўлган ишингизда юксак омад тилаш менга катта мамнуният бағишлайди.

2 март куни биз ҳамкорлигимизнинг муҳим санои – Ўзбекистон Республикаси БМТнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлганининг 25 йиллигини нишонламоқдамиз. Ушбу тарихий воқеа Ўзбекистон мустақил тараққиётида, миллий давлатчилигимиз ва суверенитетимиз ҳамда микёсида эътироф этилишида энг муҳим асослардан бири бўлди.

Ишонч билан айта оламани, мустақил Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида БМТ нуфузини ошириш ва салоҳиятини мустахкамлашга, унинг Низомида белгиланган мақсад ва вазифаларини рўйбга чиқаришга муносиб ҳисса қўшди.

Ташкилотга аъзо бўлиш мамлакатимизга тинчлик, тараққиёт ва ҳамкорлик масалаларини глобал даражада илгари суриш, замонамизнинг қатор энг мураккаб халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммоларини ҳал қилиш жараёнида фаол иштирок этиш имконини берди.

Ўзбекистон 1993 йилда илгари сурган ва БМТ кўмагида муваффақиятли амалга оширилган Марказий Осиёда Ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш ташаббуси ядро қуролини тарқатмаслик тартибини таъминлашга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

Ўзбекистоннинг Афғонистон мижрасига сиёсий йўл билан ечим топишга қаратилган Афғонистон Исломи Республикасига қурол-яроғ етказиб беришга эмбарго жорий этиш бўйича 1995 йилда ва "6+2" мулоқот гуруҳини тузиш бўйича 1997 йилда илгари сурган амалий тақлифлари жуда қисқа муддатда етакчи давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг Афғонистонда тинчлик ўрнатишга қаратилган фаолиятини бирлаштиришга хизмат қилди.

Бош котиблар жаноб Кофи Аннанинг 2002 йилда, жаноб Пан Ги Муннинг 2010 ва 2015 йилларда Ўзбекистонга ташрифлари Марказий Осиё минтақасида тараққиётга эришиш ҳамда мамлакатимиз ва БМТ ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини мустахкамлашга хизмат қилди. Жаноб Пан Ги Муннинг 2010 йилда Оролбўйида бўлган Орол фожiasi ва экологик офатга туташ минтақаларга жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қўйишда муҳим роль ўйнади.

Шу муносабат билан Сизга ва бутун Ташкилотга БМТ шафелигида Орол денгизи ва Оролбўйи ҳудуди бўйича махсус Траст жамғармасини тузишга қаратилган савий-ҳаракатлар қатъий қўллаб-қувватлангани учун миннатдорлик билдирамиз. 2017 йил 10 февралда БМТнинг "Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик фондини ташкил қилиш орқали Орол денгизи фожiasидан зарар кўрган аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ва мустахкамлаш" дастури амалга оширила бошлангани бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Мухтарам жаноб Бош котиб! Бугун дунё ижтимоий-сиёсий соҳалардан тортиб экологик муаммоларга қамраб олган турли таҳдид ва хатарлар тобора кўпайиб бораётганига дуч келмоқда. Жаҳон иқтисодиётида конъюнктура ўзгараётган, глобаллашув ва рақобат кучайиб бораётган буғунги шароит барча мамлакатларнинг янада барқарор ва уйғун ривожланиши учун мулақо янги гоё ва принципларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб этади.

Ўзбекистон 2015 йил сентябрь ойида БМТ саммитида қабул қилинган Барқарор ривожланиш мақсадларини самарали амалга оширишга доир глобал микёсда кўрилатган чора-тадбирларни маъқуллайди ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятни ҳар томонлама ва жадал янгилаш учун шароитлар яратиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга ошириломоқда.

Шу мақсадда 2017 йил 7 февраль куни 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди. Мазкур ҳужжатнинг асосини мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий-гуманитар ислох қилишнинг концептуал масалалари ташкил этади.

Ҳаракатлар стратегиясининг асосий қоидалари Барқарор ривожланиш мақсадларига мос эканлини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу самарали ҳамкорлигимиз учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилишга ишонаман.

Сиз билан жорий йил сентябрь ойида Нью-Йоркда бўладиган БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида учрашамиз, деган умиддаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, жаноб Гутерриш, мустаҳкам соғлиқ, омад, масъулиятли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Самимий ҳурмат билан,

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!

Сизни ва Ўзбекистон Республикаси халқини мамлакатингиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоси сифатида иқлим ўзгариши, ядровий қуролсизланиш, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш каби соҳаларга муҳим ҳисса қўшиб келмоқда. БМТ Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлайди, тинчлик ва тараққиёт йўлида ишончли шерик сифатида мамлакатингиз билан ҳамкорликни давом эттиради. Хусусан, Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ ва БМТнинг Ўзбекистондаги вакиллари билан ҳамкорлик учун мамлакатингизга алоҳида миннатдорлигимни изҳор этмоқчиман.

Сизни ишонтириб айтаманки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистон Республикаси билан бундан кейин ҳам яқин ҳамкорлик қилишдан манфаатдор, аниқсиз, 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш дастури билан амалга ошириш ва Ўзбекистоннинг янада тараққиётга эришиши йўлидаги ҳаракатлари муҳим аҳамиятга эга.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак оқибат ва эътиборимни қабул қилгайсиз. Энг эзгу тилақлар билан,

Антониу ГУТЕРРИШ,
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби

Мирослав ЕНЧА:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО МИКЁСДА АЛОҲИДА ЎРИНГА ЭГА

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан олти ой ўтиб – 1992 йил 2 март куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган. Тинчлик ва хавфсизликни мустахкамлаш, соғлиқни сақлаш, экология, таълим, маданият, туризм каби кўплаб соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик йилдан-йилга ривожланиб бормоқда.

Мамлакатимизда БМТнинг бир қатор тузилмалари – Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти, Жаҳон банки, Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти, Болалар жамғармаси, Аҳолишунослик жамғармаси, Тараққиёт дастури, Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича бошқармаси, ОБВ/ОИТС бўйича бирлашган дастури каби ташкилотла-

рининг ваколатхоналари фаолият кўрсатаётир.

Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсати, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган савий-ҳаракатлари БМТ фаолиятига ҳамоҳангдир. Мазкур нуфузли халқаро ташкилот **Бош котибининг сиёсий масалалар бўйича ёрдамчиси Мирослав ЕНЧА** мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни, ҳамкорликда-

ги фаолияти ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Ўзбекистон мустақилликка эришган илк йилларданок ўзининг мустақил тараққиёт йўлини аниқ белгилаб олган. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов мамлакатингиз жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши учун буюк ишлар қилди. Ўзбекистон ташаббуси билан Марказий Осиёда Ядро қуролидан холи ҳудуд барпо

этилди. У Орол муаммосига жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратди.

Ўзбекистон, хусусан, Тошкентнинг бетакдор таровати мени ўзига ҳамиша ром этиб келган. Бу ерда ўзимни уйимдагидек ҳис қиламан. Тошкентда бир неча йил яшаганман. Шу боис мамлакатингизда турли соҳаларда рўй бераётган ўзгаришларни кузатиб бораман. Президент Шавкат Мирзиёев билан суҳбатлашиб мамлакатингиз келажаги буюк эканлига, Ўзбекистон халқининг турмуш фаровонлиги муттасил юксалиб боришига яна бир бор амин бўлдим.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг беш йилга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси мамлакатингиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, халқ фаровонлигини ошириш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини янада мустахкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз. Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017

йил Ўзбекистонда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинди. Ана шу мулоқотни амалда йўлга қўйиб, инсон манфаатларини таъминлаш мақсадида фуқаролар мурожаатлари билан ишлашнинг янги тизими жорий этилди. Бу гоё, бу тизим аҳоли турмуш фаровонлиги янада юксалишини таъминлайди.

Ўзбекистоннинг БМТга аъзо бўлганига 25 йил тўлди. Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашувимиз айнан шу кунга тўғри келганида ҳам раъзий маъно бор. Ўзбекистон БМТда алоҳида ўрин тутди. Мамлакатингиз бундан кейин ҳам ташкилотимиз доирасида долзарб масалалар юзасидан муҳокамаларда фаол иштирок этиши, минтақавий ва глобал масалаларни ҳал этишга муносиб ҳисса қўлишига ишонаман. Ўзбекистон билан ҳамкорлигимиз изчил давом этишини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бекзод ХИДОЯТОВ
ёзиб олди

Ҳар бир тадбиркор катта бозорда ўз омадини синаб кўришни истайди. Шу маънода барқарор ривожланиш йўлини танлаган ҳар қандай давлат ишбилармонлар учун халқаро бозорга “кафолатли коридор” яратишни бирламчи вазифа билади. Зеро, товар ва хизматлар экспорти – ишлаб чиқаришни янада кучайтириш, янги иш ўринлари яратиш, валюта захираларини бойитиш, жаҳон бозоридаги ўрин ва мавқени мустаҳкамлашнинг асосий омили.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва либераллаштириш борасида энг долзарб масалалар ечими юзасидан аниқ вазифалар белгиланган. Хусусан, бунда “2018-2021 йилларга мўлжалланган экспорт фаолиятини ривожлантириш концепцияси”ни ишлаб чиқиш белгилангани, аввало, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш имконини беради.

Бу, биринчи навбатда, мамлакатимиз учун савдо алоқаларини ривожлантириш борасида мақсадли бозорларни аниқлаш бўйича амалга ошириладиган ишларни янги босқичга олиб чиқади. Ташқи бозорлар конъюнктурасини ўрганиш асосида катта ҳажмдаги экспортдор товарлар ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга йўл очади. Чунки молиявий марказлашув кучайиб, ахборотлар оқими товар ва хизматлар экспортига жиддий таъсир кўрсатаётган бугунги кунда трансмиллий иқтисодий дипломатия ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ташқи бозорларни маркетинг ўрганиш усулини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтиришни тақозо этади ва шу боис мазкур Концепцияда бу борада янги, замонавий ва самарали механизмни яратиш масаласи мақсад қилинган.

Концепциядан қўзланган яна бир мақсад – белгиланган бозорларни миллий маҳсулотларимиз билан таъминлаш. Бунга улардаги асосий иштирокчилар билан узвий ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш орқали эришиш кўзда тутилмоқда. Яна бир муҳим жиҳат – миллий маҳсулотларимизнинг чет эл бозорларида рақобатдорлигини ошириш мақсадида мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш тармоқларига халқаро сифат стандартларини (ISO 9001) кенг жорий этиш белгиланган. Бу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ташқи бозорларда маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тўғрисидаги маълумотлар билан таништириш ишларини янада кучайтириш билан чамбарчас боғлиқ.

Ҳаракатлар стратегиясида тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада рағбатлантириш, экспорт-импорт операцияларини тартибга солишни таъминлаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари рақобатдорлигини ошириш, экспорт ҳажмини кўпайтириш ва географиясини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган. Бунда товарларни ишлаб чиқариш учун бутловчи қисмларни импорт қилишда мувофиқлик сертификатини бериш муддатини, илгари ҳудди шундай товар учун сертификат олган тақдирда 10 кундан уч кунгача қисқартириш назарда тутилмоқда.

Товар ва хизматлар экспортидан (хомашё товарлари бундан мустасно) валюта тушумининг белгиланган қисmini мажбурий сотишни камайтириш, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни экспорт қилувчи корхоналарга белгиланган им-

тиёзларни маҳаллий товарларни экспорт қилувчи савдо-воситачилик корхоналарига ҳам татбиқ этиш режалаштирилган. Барча ҳўжалик юритувчи субъектларга мева-сабзавот маҳсулотларини тўғридан-тўғри экспорт шартномалари тузиш орқали экспорт қилиш ҳуқуқини бериш, экспорт қилиш таққиланган айрим товарларни (нон ва гўшт маҳсулотлари, тирик мол ва парранда) рухсатнома асосида экспорт қилиш тизимини жорий этиш, фойдаланилган машина, жиҳоз ва техникаларни экспорт қилишни соддалаштириш ва тартибни аниқлаштириш, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги санитария нормалари ва карантин қоидаларини жаҳоннинг илгор мамлакатлари стандартларига мувофиқлаштириш кўзда тутилган.

Бўларнинг бараси Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 8 августдаги қарори асосида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси зиммасига ҳам катта масъулиятлар юклайди.

2016 йилда мамлакатимиз тадбиркорлари жамғарма кўмагида 2,9 миллиард



ХАЛҚ БОЙ БЎЛСА, ДАВЛАТ ҲАМ БОЙ ВА ҚУДРАТЛИ БЎЛАДИ

доллардан зиёд ҳажмда экспорт шартномалари имзолади ва улар доирасида 470 тадбиркорлик субъекти қарийб 1,4 миллиард долларлик экспортни амалга оширди. Жамғарма кўмагида амалга оширилган экспорт ҳажми 2015 йилга нисбатан 33 фоизга ошди. Ташқи бозорларга асосан саноат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етказиб берилди.

Экспорт салоҳиятига эга корхоналарнинг экспорт фаолиятини рағбатлантириш ва уларга молиявий қўмак кўрсатиш мақсадида жамғарма 2,3 миллиард сўмдан зиёд молиявий қўмак ажратди. 15 хил янги турдаги маҳсулотларни халқаро бозорларга етказиб бериш, 40 корхонада халқаро ISO стандартлари талабларига асосан сифат бошқаруви тизимларини жорий этишда кўмаклашилди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг экспорт географиясини кенгайтириш мақсадида жамғарма 2016 йилда Москва, Уфа, Милан, Сеул, София, Женева ва Мадрид шаҳарларига хорижий ваколатхоналарини ташкил этди ва тадбиркорларга ушбу мамлакатлар бозорларига экспорт қилишда яқиндан қўмак кўрсатиб келмоқда.

Жамғарма томонидан 242 кичик бизнес субъектига 10 нуфузли халқаро кўргазма ва анжуманда иштирок этишда қўмак кўрсатилди. Натижада тадбиркорларимиз 61,5 миллион долларлик экспортни амалга оширди.

Мамлакатимиздаги ҳар бир туман иқтисодлашувидан келиб чиққан ҳолда жамғарма таъсисчилигида 79 агрофирма ташкил этилди. Ўтган даврда маз-

кур агрофирмалар жамғарма кўмагида 692 миллион 483 минг долларлик экспорт шартномаларини имзолади.

Жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш, уларга товар ва хизматларини ташқи бозорга чиқаришда яқиндан қўмаклашиш борасидаги ишларимизни янги босқичга қўтаришни мақсад қилинган.

Жамғарма таъсисчилигида янги тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш орқали экспортдор маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган 50 миллион доллардан ортиқ қийматдаги лойиҳаларни амалга оширишни белгиланган. Бунинг натижасида 1,5 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш, хорижий бозорларда юқори талабга эга экспортдор маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, йилга 25 миллион доллар қийматдаги маҳсулотларни экспорт қилишга эришилди.

Яна бир устувор вазифамиз – тадбиркорларга 500 миллион доллардан кам бўлмаган қийматдаги лойиҳаларни молиялаштиришда бизнес-режа тайёрлаш ва зарур ҳўжатларни банкка топширишда қўмаклашиш. Бу Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини ошириш,

жумладан, мамлакатимиз ҳудудларида хориждан замонавий технология ва ускуналарни олиб келиш орқали жаҳон талабларига мос ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, янги турдаги экспортдор маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва янги иш ўринларини яратиш имконини беради.

Жамғарма таъсисчилигида ташкил этилган агрофирмалар жорий йилда 250 миллион доллардан ортиқ қийматдаги маҳсулотларни экспорт қилиш режалаштирилган. Уларда мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва янгилашни яратиш бўйича қўшимча лойиҳаларни амалга оширишнинг олдимизга мақсад қилиб қўйилган. Бу билан мамлакатимизда етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, саралаш, қайта ишлаш бўйича янги қувватларни ташкил этиш, мева-сабзавот маҳсулотларини чўқур қайта ишлаш орқали умумий экспорт ҳажмида юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотларнинг улушини кескин оширишга эришилди.

Бу йил турли мамлакатларда ўтказиладиган халқаро миқёсдаги 20 кўргазма ва ярмаркада тадбиркорлар иштирокини таъминлаштириш кўзда тутилган. Бу орқали 250 миллион доллардан ортиқ экспорт шартномалари имзоланиши кўтилмоқда.

Жамғарма жорий йилда ҳам мамлакатимиз тадбиркорларига хорижий давлатларнинг қўллаб-қувватлаш талаб этиладиган сертификат ва лицензиялар, шу жумладан, ISO, Global Gap, TUV ва бошқа халқаро сифат сертифи-

катларини олишда тизимли ва изчил қўмак кўрсатмоқда. Натижада маҳаллий тадбиркорларимиз ишлаб чиқарадиган маҳсулотларнинг жаҳон бозорларида рақобатбардорлиги оширилади, экспорт географияси сезиларли даражада кенгайди.

Маркетингсиз, яъни, товар ҳаракатининг барча босқичида талаб ва таклифни ўрганмай, бозор муаммолари ечимиде яхлит ва тизимли ёндашмай туриб, экспорт ҳажмини оширишнинг мутлақо имкони йўқ. Шу боис жорий йилда жамғарма мутахассислари 173 мамлакатнинг маҳсулот ва хизматларга бўлган талабини ўрганиш орқали тадбиркорларимизга хорижий ҳамкорлар топиш ва экспорт шартномалари имзоланишда қўмаклашишни мақсад қилган. Жумладан, фермер ҳўжаликлари учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида МДХ, Европа, Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида юқори талабга эга қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг навлари, уларнинг нархлари ва импорт ҳажмларини ўрганиш бўйича маркетинг тадқиқотлари ўтказилмоқда.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида тадбиркорлар ичига кириб, уларни ўйлантираётган, хусусан, корхоналарни экспорт фаолиятига жалб этишда юзага келаётган муаммоларни масалаларни изчил муҳокама қилиш – доимий эътиборимизда.

2017-2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқларига улашни бўйича шартномада кўрсатилган ҳаракатларни камайтириш, тадбиркорлик субъектларини электр тармоқларига улашни тартибга солиш норматив-ҳўқуқий ҳўжатларни унификациялаш масаласи белгиланган. Бу тадбиркорлик субъектларини муҳандислик-коммуникация тармоғига улаш тизимини янада таъминлаштириш, унинг муддатлари ва ҳаражатларини қисқартириш. Натижада экспортдор маҳсулотлар ишлаб чиқаришга иқтисодлашган корхоналаримизга катта қулайлик яратилади.

Жамғарма зиммасига юклатилган устувор вазифаларга эришишда 2017-2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси муҳим дастуруламал бўлади. Бу – босиб ўтилган йўл, орттирилган тажрибани ҳолисона баҳолаш, эришилган ютуқларни таҳлил қилиш ҳамда замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада барқарор таъминлаш йўлидаги энг долзарб масалалар ечими, уларга эришти йўллари ва усуллари белгиланган, батафсил ва чўқур муҳокама-лардан ўтказилган мазкур юксак марраларга эриштиш жараёнини самарали ташкил қилиш имконини беради.

Бу ислохотлардан қўзланган пировард мақсад битта – халқимизни ҳаётдан рози қилиш, бой қилиш. Бунга одамларни тадбиркорликка, ишбилармонликка ўргатиш, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш орқали эришиш мумкин. Зотан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”.

Жаҳонгир МУСТАФОЕВ,
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ижрочи директори
ЎЗА



● Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Наманган вилояти кенгашида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури ижросини таъминлашда партия олдида турган долзарб масалаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Сурхондарё вилояти ахборот-ресурс марказида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси вилоят кенгаши томонидан “Китоб ва ёшлар” мавзусида очик мулоқот ўтказилди.

● “Ички ишлар органларининг намунали таянч пункти” кўрик-танловининг Андижон вилояти босқичи бўлиб ўтди. Туман ва шаҳар босқичларида голиб бўлган 16 милиция таянч пункти иштирок этган танловнинг вилоят босқичида Асака тумани “Файзобод” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 285-милиция таянч пункти голиб, деб топилди ва танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

● Қаршида Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактаби битирувчиларига сертификат ва кўкрак нишонлари топширилди.

● Жиззахда миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ёшларда интернет маданиятини шакллантиришнинг долзарб вазифаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси вилоят кенгаши, Жиззах политехника институти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда партия фаоллари, институт профессор-ўқитувчилари, талабалар, кенг жамоатчилик вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.



● Бельгиянинг Брюссель шаҳрида “Марварид” номили сув ости ресторани ўз эшиklarини очди. Мазкур ноёб қурилма аквалангчилар ҳовузида 5 метрлик сув тубида қад ростлади. Ушбу рестораннынг катталиги диаметри 2 метрлик сфера шаклида бўлиб, унда бир вақтинч ўзида тўртта одам жойлаша олади. Рестораннын яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, буюртма берилган таомларни аквалангчи-официантлар махсус сув ўтмас пакетларда келтиришади.

● Австрияда “яшил транспорт” воситалари – электр энергияси ва водородда ишлайдиган автомобилларга қизиқишни ошириш мақсадида 2017 йилнинг 1 мартидан бошлаб янги дастур ҳаётга татбиқ этилди. Эндиликда бундай машиналарни харид қилганлар чегирмадан фойдаланишлари мумкин. Акция қиймати 50 минг еврогача бўлган транспорт воситалари учун амал қилади.

● Хитойнинг WPG компанияси тақдим этган янги аккумулятор сигими беш минг МАс.га тенг бўлиб, уни тўлиқ зарядлаш учун атиги 10 дақиқа қифоя қилади. Мутахассисларнинг эътирофи эйтишича, бундай сифимдаги тижорат пауэр банкларни учун ушбу натижа рекорд ҳисобланади. 5В/3А, 9В/2А, 12В/1,5А режимлари асосида ишлайдиган қурилманинг максимал қуввати 18 Вт.ни ташкил этади. Айни пайтда WPG компанияси олимлари янада кичик, аниқроғи, 1000 МАс.ли ихчам аккумулятор ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

ҲАМКОРЛИҚДАГИ ИШЛАР САМАРАСИ

Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармасида солиқ қарзларининг ундирилиши билан боғлиқ масалалар муҳокамага бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда пойтахт туманлари Давлат солиқ инспекциялари масъул ходимлари, “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди, суд ижроичилари департаменти, ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Алишер Валиев олиб борди.

Айтиш жоизки, Тошкент шаҳар Давлат солиқ хизмат органи томонидан Республикаимизнинг солиқ ва бюджет соҳасидаги сиебати талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 27 декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиебатининг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳўжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни талабларининг бажарилишини таъминлаш юзасидан тегишли идоралар билан ҳамкорликда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан солиқ мазмуричилигини таъминлаштириш ва солиқ қарзлари билан боғлиқ бошқа масалалар бўйича Солиқ кодексининг 38 та моддасига тегишли ўзгартиришлар киритилди. — дейди Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси Солиқ бўйича қарзларни мажбурий ундириш бошқармаси бошлиғи Жаҳонгир Ражабов. — Хусусан, кодекснинг 59 ва 61-моддасига киритилган ўзгартиришга кўра, юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқ қарзи бир йил мобайнида тўланмаган тақдирда, солиқ қарзининг меъёридан қатъий назар судга берилиб, суд ижроичилари орқали мажбурий

ундириш тартиби белгиланган бўлиб қўйилди.

Мазкур ўзгартиришлар киритилмасдан олдин солиқ қарзи микдори юридик шахслар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 20 бараваридан, жисмоний шахслар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 5 бараваридан юқори бўлган тақдирдагина Суд тартибиде мажбурий ундириш чоралари қўлланилар эди.

Бугунги кунда солиқ инспекторлари суд ижроичилари, ички ишлар бўлими, маҳалла фаоллари билан биргаликда мавжуд қарздорларни аниқлаб, уни ундириш бўйича тегишли ишларни олиб бормоқдамиз, — дейди Юносбод тумани Давлат солиқ инспекцияси инспектори Қудратилла Исмоилов.

— Албатта, солиқ қарздорлигини ундириш борасида қилинаётган ишлар билан бирга муаммолар ҳам учрамоқда. Йиғилишда бу муаммоларни бартараф этиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилишда юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ қарзини мажбурий ундириш, солиқ қарзини ижро ҳўжатлари асосида ундиришда солиқ органлари билан ҳамкорликдаги ишлар, бу борада маҳалла фаолларининг иштироки юзасидан ахборотлар берилди.

Мақсад ҳамкорликда амалга оширилаётган ишларда ўнраётган муаммолар ҳамда йўл қўйлаётган камчиликларни танқидий муҳокама қилиб, келгусида амалга оширилиш лозим бўлган вазифаларни белгилла олиш ҳамда Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган Қарор ва Фармонларнинг ижросини ўз вақтида сифатли таъминлашдан иборат.

З. ШАРИФЖОНОВ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги томонидан бугуннинг устувор масаласига бағишланган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг архив муассасаларига мурожаатлари ва бу борадаги долзарб масалалар” мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Тадбирда “Ўзархив” агентлиги томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг архив муассасаларига келиб тушаётган мурожаатларининг ижросини ўз вақтида таъминлаш, уларни архив муассасалари раҳбариятига бевосита мурожаат этишлари учун қулай имкониятлар яратиш, бу борада юзага келаётган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан истиқболдаги режалар муҳокама этилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида архив ишлари ривожлантириш, ушбу муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этишга қаратилган доимий эътибор ўз самараларини бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Иктомий-ҳўқуқий мазмундаги хусусан, меҳнат фаолияти ва иш ҳақини тасдиқлаш, ўқув муассасаларида ўқиганларни тасдиқлаш ҳамда муқофотланганлик тўғрисидаги архив маълумотномаларини бериш масалалари бўйича келиб тушаётган сўровлар архив муассасалари томонидан маълумот тақдим этиш бўйича кўрсатиладиган хизматлардан бири бўлиб, сўровлар ижроси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида архив ишлари таъминлаштириш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган Архивлар ва идоравий архивлар томонидан хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низом асосида тартибга солинад, — дейди “Ўзархив” агентлиги матбуот хизмати раҳбари Адхамжон Усмонов. — Рақамларга эътибор берилса, 2016 йилда республика бўйича архив муассасалари томонидан иктомий-ҳўқуқий мазмундаги жами 209 429 та сўровлар қабул қилиниб, шундан 98,5 фоиз бевосита архив муассасалари томонидан қўриб чиқилди. Шунингдек, ўтган йили архив муассасалари томонидан аҳоли ва тадбиркорларга Ўзбекистон Республикаси Президентини

нинг Виртуал қабулхонаси орқали 151 ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали эса 203 та мурожаатлар келиб тушди. Зарурият келиб чиққанда жисмоний ва юридик шахслар куннинг исталган пайтида архив муассасаларига мурожаат этишлари учун “Ўзархив” агентлигининг (0371) 230-50-44 “ишонч телефон” ҳамда ishonch@archive.uz электрон почтаси ишлаб турибди.

Тадбирда жисмоний ва юридик шахсларга янада қулайликлар яратиш мақсадида агентлик веб-сайтида ҳўжатларнинг қидирув тизими жорий этилиб, давлат архивларида сақланаётган 58 мингдан ортиқ корхона, ташкилот ва муассасаларнинг шахсий тарихий ҳўжатлари тўғрисида маълумотлар жойлаштирилган, бу эса ўз навбатида мурожаат этишчиларнинг ҳўжатларини излашда ортиқча вақт йўқотишлари ва йўл сарф-ҳаражатларини камайтиришга хизмат қилаётгани ҳақида айтиб ўтилди.

Анжуманда Тошкент шаҳар сегментинда жисмоний ва юридик шахсларнинг сўровлари ижросини бажариш механизмларини таъминлаштириш ва қулай шарт яратиш мақсадида Тошкент шаҳар давлат архивининг Учтепа туман филиалида Архив хизматларини кўрсатиш маркази лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги ҳақида иштирокчиларга маълумот берилди. Пойтахтимизда жойлашган барча архивларга тегишли бўлган мазкур лойиҳа орқали пойтахтда Иктомий-ҳўқуқий мазмундаги сўровларни бир жойда қабул қилиш, ижросини таъминлаш, бепул маслаҳатлар бериш ва ҳўжатларини топишда қўмаклашиш йўлга қўйилди. Шунингдек, мазкур марказ томонидан архив сақловига тадбиркорлик субъектлари ҳўжатларини марказлашган ҳолда қабул қилиш ва уларга услубий ёрдам бериш бўйича хизматлар кўрсатилади.

Зиёда РАСУЛОВА

ҲАФТАЛИК

ТЕЛЕДАСТУРЛАР

Ўзбекистон

06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!".
07.00 "Олий қадрият".
07.20 "Батанпарвар".
08.00 "Тахлилнома".
08.40 Миллий сериал: "Опа-син-гиллар".
09.20 Анонс.
09.30 "Қалб гавҳари". Академик Илхом Жабборов.
10.00 1. "Наўпир". 2. "Чинсан".
10.30 Анонс.
10.40 "Хунар сирлари".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Бир жинонт изидан". (Қоразилангистон).
11.30 "Агроолам".
11.50 Анонс.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!".
13.00 "Ўзингизни англа". Ток-шоу.
13.45 Анонс.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Худоят сари".
14.45 "Бизнес-старт".
15.10 Анонс.
15.20 "Мўъжизалар макони".
15.50 Анонс.
16.00 "Заковат".
17.00 "Ахборот".
17.10 Миллий сериал: "Опа-син-гиллар".
17.50 Анонс.
18.00 "Сўхбатдош".
18.20 "Имқоният".
18.40 "Монок". Т/с.
19.25, 20.00, 20.50 Ўзлонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Бизнинг-старт".
20.30 "Менинг боғим".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Муносабат".
22.10 – 00.10 "Тилги соябон". Б.ф. (Франция).
00.40 "Сўхбатдош".
01.00 Миллий сериал: "Чемпионлик орауни".
01.00 "Ахборот" /рус/.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!".
02.30 "Тўқиз ой". Б.ф.
04.00 "Ахборот".

Ўзбекистон

06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!".
07.00 "Ўнги". Б.ф. 1-қисм.
07.35 "Имқоният".
08.00 "Ахборот".
08.40 Миллий сериал: "Опа-син-гиллар".
09.20 "Сўхбатдош".
09.40 Анонс.
09.45 "Ҳаёт тилсими".
10.00 "Менинг боғим".
10.20 "Тадбиркор даври". Ток-шоу.
11.00 "Ахборот".
11.10 "Ўзбекистоннинг Зулфияси".
11.50 Анонс.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!".
13.00 "Ўчбурак". Ток-шоу.
13.45 Анонс.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Муносабат".
15.10 Анонс.
15.20 "Одил суд".
16.00 "Тексур хабарлар".
16.10 "Ўстурлоб".
16.30 "Ахборот" /инглиз/.
16.40 "Агроолам".
17.00 "Ахборот".
17.10 Миллий сериал: "Опа-син-гиллар".
17.50 Анонс.
18.00 2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили. "Олий қадрият". (Халқ қабулхоналари фаолияти).
18.20 "Қорачик". (Қизиларин илм-хунарга тайёроқ).
18.40 "Монок". Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Ўзлонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Биз учун муҳим". Ток-шоу.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Ҳаётдаги мен". Мунаввара Абдуллаева.
22.10 – 23.55 "Зирак тақдир мазмуни". Б.ф.
23.55 "Ҳаётдаги мен".
00.25 Анонс.
00.30 Миллий сериал: "Чемпионлик орауни".
01.00 "Ахборот" /рус/.

Ўзбекистон

ХОТИН-ҚИЗЛАР КҮНИ.
06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!".
07.00 "Ўнги". Б.ф. 2-қисм.
07.35 "Қорачик".
07.55 Анонс.
08.00 "Ахборот".
08.35 Миллий сериал: "Опа-син-гиллар".
09.15 "Биз учун муҳим". Ток-шоу.
09.40 Хотин – қизлар байрами.
10.00 "Онажоним-онажонингиз". Б.ф.
11.50 Анонс.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!".
13.00 Анонс.
13.10 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
14.00 "Ҳаётдаги мен".
14.30 "Қўларнинг бирида".
14.45 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
15.35 "Ягона оилада".
15.50 "Суюнчи". Б.ф.
17.00 "Ахборот".
17.10 Миллий сериал: "Опа-син-гиллар".
17.50 Анонс.
18.00 "Парламент ҳаёти".
18.20 "Сўхбатдош".
18.40 "Монок". Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Ўзлонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Ибратга йўрилган умр". Ўзб. халқ артисти Яйра Абдуллаева.
20.30 "Ўзбекистонимиз издошлари".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Қўлнинг ободлиги". (Фольклоршунос олим Саодат Илдошева).
22.10 – 23.45 "Оила қадри". Б.ф. Премьера.
23.45 "Ибратга йўрилган умр".
00.05 Анонс.
00.10 "Сўхбатдош".
00.30 Миллий сериал: "Чемпионлик орауни".
01.00 "Ахборот" /рус/.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!".
02.30 "Қўлнинг мал алаи". Спектакль. 1-қисм.
03.10 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.

04.40 Миллий сериал: "Ҳаёт вальси".
05.10 "Мўъжизалар батик". Х.ф.
05.30 – 05.55 "Бизнинг-старт".

Ёшлар

06.00 "Батан парвар".
06.10 "Афсона ва ҳақиқат".
07.00 "Давр".
07.30 "Шарқ гавҳари".
08.00 "Ҳайдарки келин". Спектакль.
09.30 "Муваффақият қалити".
09.50 "ЎзЕХ".
10.00 "Зиё даргалари".
10.10 "Халоват кўчаси". Т/с.
11.00 "Зиё даргалари".
12.10 "Имқон-шоу".
12.50 "ЎзЕХ".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.10 "Қаминнинг оиласи". Т/с.
15.10 "Секрли қўллар".
16.00 "Давр".
16.10 "Танг дарёсининг қизи". Б.ф.
17.30 "Давр мавзуси".
17.50 "Бохор нақшаси".
18.00 "Бобохо бойлик". Т/с.
18.50 "Хашар завқи".
19.00 "Давр".
19.30 "Халоват кўчаси". Т/с.
20.20 "Айла таъзим".
20.30 "Нукта назар".
21.10 "Афсона ва ҳақиқат".
22.00 "Давр".
22.30 "Иблис девори". Б.ф.
01.00 "Амир Темур". Х.ф.
01.50 "Инсон психологияси".
04.30 "Мўъжизавий дунё".
05.30 – 06.00 "Давр".

Тошкент

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!".
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Ройтакт".
06.15 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
06.50 "Ройтакт-Н-тех".

Ёшлар

06.00 "Батан парвар".
06.10 "Афсона ва ҳақиқат".
07.00 "Давр".
07.30 "Шарқ гавҳари".
08.00 "Ҳайдарки келин". Спектакль.
09.30 "Муваффақият қалити".
09.50 "ЎзЕХ".
10.00 "Давр".
10.10 "Халоват кўчаси". Т/с.
11.00 "Имқон-шоу".
11.40 "Сўз ёшларга".
12.10 "Обод худудлар".
12.30 "Давр мавзуси".
12.50 "ЎзЕХ".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.10 "Қаминнинг оиласи". Т/с.
15.10 "Секрли қўллар".
16.00 "Давр".
16.10 "Кора ўк". Б.ф.
17.40 "Соғлом ҳаёт".
18.00 "Бобохо бойлик". Т/с.
18.50 "Айла таъзим".
19.00 "Давр".
19.30 "Халоват кўчаси". Т/с.
20.20 "Бохор нақшаси".
20.30 "Фан ва ёшлар".
21.10 "Афсона ва ҳақиқат".
22.00 "Давр".
22.30 "Зумрад шаҳар". Б.ф.
00.40 "Батанпарвар".
01.20 "Шарқ гавҳари".
04.30 "Мўъжизавий дунё".
05.30 – 06.00 "Давр".

Тошкент

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!".
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Ройтакт".

Ўзбекистон

04.00 "Ахборот".
04.40 Миллий сериал: "Ҳаёт вальси".
05.10 "Қўларнинг бирида".
05.25 Анонс.
05.30 – 05.55 "Ўзбекистонимиз издошлари".
06.00 "Батан парвар".
06.10 "Афсона ва ҳақиқат".
07.00 "Давр".
07.30 "Турнир". Х.ф.
08.00 "Келинлар кўзголини". Спектакль.
09.50 "ЎзЕХ".
10.00 "Давр".
10.10 "Халоват кўчаси". Т/с.
11.00 "Зиё даргалари".
11.30 "Нукта назар".
12.10 "Имқон-шоу".
12.50 "ЎзЕХ".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.10 "Қаминнинг оиласи". Т/с.
15.30 "Секрли қўллар".
15.50 "Айла таъзим".
16.00 "Давр".
16.10 "Келинлар кўзголини". Б.ф.
17.30 "Қўлар мактаби".
17.50 "Бохор нақшаси".
18.00 "Бобохо бойлик". Т/с.
18.50 "Хашар завқи".
19.00 "Давр".
19.30 "Халоват кўчаси". Т/с.
20.20 "Айла таъзим".
20.30 "Ош бўлини".
21.10 "Афсона ва ҳақиқат".
22.00 "Давр".
22.30 "Махаллада дувган". Б.ф.
00.00 "Афсона ва ҳақиқат".
04.30 "Мўъжизавий дунё".
05.30 – 06.00 "Давр".

Тошкент

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!".
6.00, 8.00, 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Ройтакт".
06.15 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
06.50 "Ройтакт-Н-тех".
07.00 "Моёбиная камера".

07.15 "Тошкент вақти".
09.50 "Ройтакт-спорт".
11.50 "Соҳилдаги муҳаббат". Т/с.
11.15 "Обод хонадон".
11.35 "Ройтакт" на пульсе".
12.15 "Тошкентнома".
12.30 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
13.15 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
13.50 "Ройтакт-культура".
14.15 "Тошкент вақти".
16.50 "Ройтакт-спорт".
17.15 "Рангли телевизор".
17.45 "Ройтакт-Н-тех".
18.20 "Сифат назорати".
18.40 "Моёбиная камера".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Соҳилдаги муҳаббат". Т/с. /Премьера/.
20.20 Миллий сериал: "Саодат".
/Премьера/.

ДУШАНБА, 6

21.00 "Ройтакт йўлларида".
21.30 "Тошкентнома".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Москва слезам не верит". Х.ф.
00.40 "Рангли телевизор".
01.20 "Мен сизга айтсам".
02.15 "Ройтакт" на пульсе".
02.35 "Хикмати дунё". "Она".
03.00 "Ройтакт-культура".
03.15 – 05.55 "Тошкент вақти".

Спорт

06.00 Мадания.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Ифтихоримсан, спорт!".
06.30 "Баркамол валлод".
06.40 "Sport-online".
08.00 Талхон (ўзб).
08.30 Футбол. Италия чемпионати. "Ювентус" – "Ювентус".
10.20 "Спорт хандиси".

Маҳалла

06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал.
06.35 Кексаллар даврасида: "Табаррук аънава".
07.00 "Бирга соғлом бўлайлик".
07.15 Миллий сериал. "Қайсарингиз".
08.45 "7 кун нафаси".
09.05 "Маҳалламиз спортчилари".
09.30 "Мўъжас Ватан".
09.55 "TV анонс".

СЕШАНБА, 7

20.20 Миллий сериал: "Саодат". /Премьера/.
21.00 "Телеахборот".
21.30 "Ройтакт-Н-тех".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Сочно выйдё замуж". Х.ф.
23.50 "Ройтакт-Н-тех".
00.05 "Тадбирлар".
00.35 "Ройтакт-спорт".
01.00 "Кинотақдир".
01.30 "Телеахборот".
02.15 "Хикмати дунё". "Қалб".
03.00 "Ройтакт-культура".
03.15 – 05.55 "Тошкент вақти".

Спорт

06.00 Мадания.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Болалар спорти".
06.40 "Матонат".
07.00 "Sport-online".
08.00 Халбарлар (ўзб).
08.15 Футбол. Италия чемпионати.
10.00 "Осиёга назар".

Маҳалла

06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал.
06.35 Кексаллар даврасида: "Саодатли умр".
07.00 "Бирга соғлом бўлайлик".
07.15 Миллий сериал. "Афсус".

07.15 "Тошкент вақти".
09.50 "Ройтакт-спорт".
11.50 "Соҳилдаги муҳаббат". Т/с.
11.00 "Ройтакт-Н-тех".
11.15 "Тиллақош".
12.15 Миллий сериал: "Саодат".
13.00 "Моёбиная камера".
13.15 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
13.50 "Ройтакт-Н-тех".
14.15 "Тошкент вақти".
15.00 "Тошкентнома".
15.35 "Ройтакт-спорт".
17.00 "Ройтакт-Интервю".
17.15 "Китобхон".
18.15 "Санамак".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Соҳилдаги муҳаббат". Т/с. /Премьера/.
20.20 Миллий сериал: "Саодат". /Премьера/.

Спорт

06.00 Мадания.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Спорт".
06.30 "Чемпион".
07.00 "Sport-online".
08.00 Халбарлар (ўзб).
08.15 Баскетбол.
09.40 "Соғлом турмуш сари".
10.20 Теннис. WTA-АТР турнири.
11.45 "Этироф".
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".

Спорт

06.00 Мадания.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Спорт".
06.30 "Чемпион".
07.00 "Sport-online".
08.00 Халбарлар (ўзб).
08.15 Баскетбол.
09.40 "Соғлом турмуш сари".
10.20 Теннис. WTA-АТР турнири.
11.45 "Этироф".
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".

12.55 "Этироф".
22.35 "Этироф".
23.40 "Спорт фойдалари".
00.00 Мадания.
00.05 "Чанги пойгаси. Жаҳон чемпионати".
01.10 Халбарлар (рус).
01.35 "Телеахборот".
01.50 Биятлон. Жаҳон Кубоги.
02.55 "Шоҳсупага йўл".
03.35 "Этироф".
04.40 – 06.00 Теннис. WTA-АТР турнири.
06.00 Мадания.

Маҳалла

06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал.
06.35 Кексаллар даврасида: "Табаррук аънава".
07.00 "Бирга соғлом бўлайлик".
07.15 Миллий сериал. "Қайсарингиз".
08.45 "7 кун нафаси".
09.05 "Маҳалламиз спортчилари".
09.30 "Мўъжас Ватан".
09.55 "TV анонс".

Маҳалла

06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал.
06.35 Кексаллар даврасида: "Табаррук аънава".
07.00 "Бирга соғлом бўлайлик".
07.15 Миллий сериал. "Қайсарингиз".
08.45 "7 кун нафаси".
09.05 "Маҳалламиз спортчилари".
09.30 "Мўъжас Ватан".
09.55 "TV анонс".

10.00 Миллий кино. "Ёр-ёр".
11.15 "Ажабсанда".
11.50 "Ўйла қандик".
12.15 "Маҳалламиз маликаси".
12.55 "TV анонс".
13.00 Миллий кино. "Бахт уйи".
14.05 "Кўнглидаги гаплар". Ток-шоу.
15.00 Миллий сериал.
15.35 "Шарқона маскан".
16.00 "Дермер".
16.30 "Илк кудрати".
16.55 "TV анонс".
17.00 Миллий сериал.
17.35 "Аждодлар ҳазинаси".
18.05 "Сиз билан бирга".
18.30 "Қадр тоғдан қадриятлар".
19.00 Миллий сериал.
19.30 "Қадриятлар яна қайтади".
19.40 Кексаллар даврасида: "Саодатли умр".
20.05 "Халқ виждони". Ток-шоу.
20.55 "TV анонс".
21.00 Миллий кино. "Афсус".
22.25 "Осуда ҳаёт".
22.55 "Машарат".
23.30 "Этироф формуласи".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал.
00.35 Кексаллар даврасида: "Нуроний фасл".
01.00 Миллий кино. "Бахт уйи".
02.05 "Бола бошидан".
02.30 "Бизнес ва тараққиёт".
03.00 Миллий сериал.
03.40 "Мехр қўллар". Ток-шоу.
04.30 Кексаллар даврасида: "Кариси бор уй".
05.00 Миллий сериал.
05.35 – 06.00 "Маҳалладорлар".

Болажон

07.00 "Салом, болажон!".
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Қўноқлар стартлар".
07.40 "Мўъжас Ватан".

08.40 "Қариси бор уй".
09.00 Миллий сериал.
09.30 "Қадриятлар яна қайтади".
09.35 "TV анонс".
09.40 "Сиз билан бирга".
10.00 "Қадр тоғдан қадриятлар".
10.20 "Тарбиянинг олтин қондаси".
10.50 "Мўъжас Ватан".
11.15 "Халқ виждони". Ток-шоу.
12.25 "Осуда ҳаёт".
12.30 "Қўноқлар стартлар".
12.55 "TV анонс".
13.00 Миллий кино. "Юзсиз".
14.30 "Ажабсанда".
15.00 Миллий сериал.
15.35 "Ўйла қандик".
16.00 "Маҳалламиз маликаси".
16.30 "Мўъжас Ватан".
17.05 Миллий сериал.
17.35 "Осуда ҳаёт".
17.40 "Нуроний фасл".
18.05 "Маҳалламиз болажон".
18.35 "Нобел институт".
19.00 Миллий сериал.
19.30 "Қадриятлар яна қайтади".
19.35 Кексаллар даврасида: "Табаррук аънава".
20.00 "Машарат".
20.30 "Этироф, эзу амал". Ток-шоу.
21.10 Миллий кино.
22.35 "Этироф".
22.55 "Машарат".
23.30 "Шурқона".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал.
00.35 "Шарқона маскан".
01.00 "Миллий кино. "Юзсиз".
02.30 "Илк кудрати".
03.00 Миллий сериал.
03.40 "Қўнглидаги гаплар". Ток-шоу.
04.30 "Автотелемак".
05.00 Миллий сериал.
05.35 – 06.00 "Фермер".

Болажон

07.00 "Салом, болажон!".
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Қўноқлар стартлар".
07.40 "Мўъжас Ватан".

09.40 "Маҳалламиз болажон".
10.10 "Нуроний фасл".
10.40 "Нобел институт".
11.10 "Илк кудрати".
11.40 "Эзу сўз, эзу амал". Ток-шоу.
12.25 "Шурқона".
12.55 "TV анонс".
13.00 Миллий кино. "Бахт қадри".
14.05 "Халқ виждони". Ток-шоу.
15.00 Миллий сериал.
15.35 Кексаллар даврасида: "Саодатли умр".
16.00 "Сиз билан бирга".
16.25 "Қадр тоғдан қадриятлар".
16.55 "TV анонс".
17.00 Миллий сериал.
17.35 "Осуда ҳаёт".
18.00 "Тарбиянинг олтин қондаси".
18.30 "Томорқа".
19.00 Миллий сериал.
19.30 "Қадриятлар яна қайтади".
19.35 Кексаллар даврасида: "Қайнона бисотида".
20.00 "Харакатда барак".
20.25 "Эн қўшим – жон қўшим".
20.50 "Қўнглидаги гаплар". Ток-шоу.
21.35 Миллий кино. "Тўзалиқ сир".
23.00 "TV анонс".
23.05 "Қариси бор уй".
23.30 "Бизнес ва тараққиёт".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал.
00.35 "Шарқона маскан".
01.00 "Миллий кино. "Юзсиз".
02.30 "Илк кудрати".
03.00 Миллий сериал.
03.40 "Қўнглидаги гаплар". Ток-шоу.
04.30 "Автотелемак".
05.00 Миллий сериал.
05.35 – 06.00 "Фермер".

Болажон

07.00 "Салом, болажон!".
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Қўноқлар стартлар".
07.40 "Мўъжас Ватан".

Болажон

07.00 "Салом, болажон!".
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Қўноқлар стартлар".
07.40 "Мўъжас Ватан".

08.20 "Миттивойлар мусобақаси".
08.40 "Бола бошидан".
09.00 "Мўъжас Ватан".
10.00 "Қўноқ алийб".
10.30 "ABC-kids".
11.00 "Мўъжас Ватан".
12.00 "Саргузаштлар ороли".
12.30 "Эртақлар оламида".
14.00 "Болажон устахонаси".
14.10 "Мўъжас Ватан".
15.40 "Қўноқ стартлар".
16.00 "Богбон болажон".
16.20 "Табиятга савҳат".
16.30 "Мўъжас Ватан".
17.50 "До-ми-со-ль".
18.10 "Мўъжас Ватан".
19.30 "Bravo English!".
20.00 "Табиятшунос болажон".
20.10 "Мўъжас Ватан".
21.30 "Эртақчи болажонлар".
21.50 – 22.00 "Ҳайри тун".

Кинотеатр

06.00 "Юрт мадҳи".
06.05 "Ишдаги ишқ". Б.ф. 1-қисм.
07.30 Миллий кино. "Панок".
10.10 Ойлавиқ экран. "Нафос".
11.50 Миллий театр. "Олиф". Спектакль. 2-қисм.
13.05 Кундузги сериал. "Сарой жаҳоир".
14.05 "Анжелика – парилар бекаси". Б.ф.
15.50 "Мўъжас Ватан".
17.20 Мирове кино. "Золушка".
19.05 "Коллекция". Т/с. Премьера.
20.10 Миллий кино. "Жодугар".
21.50 "Ҳафта олдизи". Энн Хэтэуэй.
22.10 Жаҳон киноси. "Маликанин қўлданлиги".
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Баш ва дитя". Х.ф.
01.55 "Меш ҳафта ҳаво шариди". Б.ф.
03.30 "Сен борсан". Б.ф.
05.00 – 06.00 Миллий кино. "Пиде".

Кинотеатр

08.20 "Китоблар мамлакатиди".
08.40 "Тоғдан болажон".
09.00 "Болажон устахонаси".
10.00 "ABC-kids".
10.30 "Қўноқ алийб".
11.00 "Мўъжас Ватан".
12.10 "Бола бошидан".
12.30 "Мўъжас Ватан".
13.50 "До-ми-со-ль".
14.1